

## ШАРТНОМА № 14

Андижон шаҳар

22 сентябр 2022 й.

Бундан буён “БУЮРТМАЧИ” деб аталувчи «Норин-Корадарё сув иншоотлари бошқармаси» номидан С.Хакимов низом асосида фаолият олиб боровчи директор бир томондан ва бундан буён “ХИЗМАТ КЎРСАТУВЧИ” деб аталувчи “SIGNAL SERVIS VODIY” КТИЧСТФ номидан Б.Мухамедов низом асосида фаолият олиб боровчи иккинчи томондан шартномани куйидагилар тўғрисида туздилар.

### 1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Мазкур шартнома бўйича “Буюртмачи” хизматларни қабул қилиш ва тўлаш, “Хизмат кўрсатувчи” эса Буюртмачининг буюртмаси бўйича куйидаги ишларни бажариш мажбуриятини олади:

№	Хизматлар номи	Шартноманинг умумий қиймати (битим суммаси)
1.	Куйган-ёр сув туғони ва Учқўрғон гидроузелидаги ёнғиндан дарак берувчи мосламаларни ишлашини техник синовдан ўтказиш ишлари.	34500000

1.2. Шартноманинг умумий суммаси: 34500000 (уттиз тўрт миллион беш юз минг ) сўмни ташкил қилади.

### 2. ҲИСОБ-КИТОБЛАР ТАРТИБИ

2.1. “Буюртмачи” мазкур шартномани рўйхатга олинган кундан бошлаб шартнома умумий суммасидан 30% миқдорида олдиндан аванс тўлаш мажбуриятини олади, қолган 70% ни кўрсатилган хизматлар тўғрисидаги далолатнома имзолангандан сўнг 10 банк иш куни ичида қабул қилиш далолатномаси, ҳисоб-фактура в.б. асосида тўлайди.

2.2. Хизмат кўрсатиш якунлангандан кейин “Хизмат кўрсатувчи”, “Буюртмачига” бажарилган ишларни қабул қилиш-топшириш далолатномасини тақдим этади.

2.3. “Буюртмачи” далолатнома ва унга илова қилинган бошқа ҳужжатларни олгандан кейин 10 банк иш куни ичида имзоланган далолатномани ёки хизматларни қабул қилишни асосли равишда рад қилиш хатини “Хизмат кўрсатувчига”га юборади.

2.4. Рад қилинган ҳолатда, кўрсатилган хизматларни қабул қилишни асосли равишда рад қилиниши юзасидан камчиликликларни бартараф этиш рўйхати ва муддати бўйича томонлар ўртасида далолатнома тузилади.

### 3. ШАРТНОМАНИНГ БАЖАРИЛИШИ

3.1. Мазкур шартнома белгиланган тартибда амалдаги Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва шартнома талаблари ва шартларига мувофиқ ижро этилиши шарт.

3.2. Шартномани шартларини бажаришни бир томонлама рад қилиш ёки шартнома шартларини бир томонлама тартибда ўзгартиришга йўл қўйилмайди, Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилигида ўрнатилган ҳоллар бундан мустасно.

3.3. Томонлар ўз зиммаларига олган барча мажбуриятларнинг ижросини таъминлаган тақдирда шартнома бажарилган ҳисобланади.

3.4. Буюртмачининг розилиги билан хизматлар муддатидан аввал кўрсатилиниши мумкин.

3.5. Кўрсатилган хизматлар бевосита Буюртмачининг масъул ходимлари томонидан кўрсатилган хизматлар миқдори ва уларнинг сифати кўрсатиладиган далолатнома бўйича қабул қилинади.

## 4. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИКЛАРИ

### 4.1. Буюртмачи:

- шартнома учун тақдим этилган хужжатларнинг ишончлилиги ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқлиги;

- томонлар ўртасидаги шартнома мажбуриятларини бажариш тугаллангандан кейин беш йил мобайнида предмети бўйича эълонлар ва техник хужжатларнинг асл нусхалари сақланиши учун жавоб беради.

4.2. Кўрсатилган хизматларни танлаб олмаслик, шунингдек хизмат кўрсатувчи шартномада белгиланган муддатда (даврд) уларни хизматлари кўрсатганда, хизматлари қабул қилиб олишни асоссиз равишда рад этганлик учун буюртмачи хизмат кўрсатувчига қабул қилиб олинмаган (ўз муддатида қабул қилиб олинмаган) хизматлар қийматининг 5 фоизи миқдорида пеня тўлайди.

Қабул қилиб олинмаган (олиш асоссиз рад этилган) ҳолларда, хизмат кўрсатувчи жарима ундиришдан ташқари, ушбу ишлар бажарилганлигининг кафолатларини тақдим этган ҳолда, қабул қилиб олинмаган (ўз муддатида қабул қилиб олинмаган) хизматлар қиймати тўланишини талаб қилишга ҳақлидир.

4.3. Тўлов талабномаси акцептини асоссиз равишда бутунлай ёки қисман рад этганлик, шунингдек ҳисоб-китобнинг бошқа шаклларида хизматлар ҳақини тўлашдан бош тортганлик (банк муассасасига тўлов топшириқномасини тақдим этмаганлик, чек бермаганлик, аккредитивни тақдим этмаганлик ва ҳоказо) учун буюртмачи хизмат кўрсатувчига ўзи тўлашни рад этган ёки бош тортган сумманинг 15 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

Бажарилган хизматлар ҳақини ўз вақтида тўламаганлик учун буюртмачи хизмат кўрсатувчига ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорида пеня тўлайди.

### 4.4. Хизмат кўрсатувчи:

- миқдор, сифат, техник параметрлар, шунингдек тақлиф этилаётган хизматларни кўрсатиш муддатлари ва жойи бўйича етказиб берувчи буюртманомалари шартларининг буюртмачи буюртманомаларида назарда тутилган шартларга мувофиқлиги;

- тузилган шартнома шартларининг бажарилмаганлиги учун жавоб беради.

4.5. Агар кўрсатилган хизматлар стандартлар, сифати, техник шартлар, қонун ҳужжатларида ёки хўжалик шартномасида белгиланган бошқа мажбурий шартларга мос келмаса, буюртмачи хизматларни қабул қилиш ҳамда уларнинг ҳақини тўлашни рад этиб, хизмат кўрсатувчидан сифати лозим даражада бўлмаган хизматлар қийматининг 20 фоизи миқдорида жарима ундириб олишга, хизматлар ҳақи тўлаб қўйилган бўлса, тўланган суммани белгиланган тартибда қайтаришни талаб қилишга ҳақлидир. Сифати лозим даражада бўлмаган хизматлар кўрсатганлиги учун жарима хизмат кўрсатувчидан акцептсиз тартибда ундириб олинади.

4.6. Хизматларни кўрсатиш муддати ўтказиб юборилган ёки кўрсатилмаган ҳолларда Хизмат кўрсатувчи Буюртмачига ҳар бир ўтказиб юборилган кун учун мажбуриятнинг бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ пеняларнинг умумий суммаси кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 50 фоизидан ошига йўл қўйилмайди. Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган томонни шартномани тегишли тарзда бажариш ва хизматлар кўрсатиш муддатини ўтказиб юборилиши ёки кўрсатилмаслиги натижасида етказилган зарарларни қоплаб бериш мажбуриятидан озод қилмайди.

## 5. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

5.1. Келишмовчиликлар ва баҳслар келиб чиққан тақдирда, томонлар, қоидага кўра, мустақил равишда уларни судгача ҳал этиш чораларини кўрадилар.

5.2. Томонлар келишмовчилик ва баҳсларни ҳал этиш учун бевосита судга мурожаат қилишга ҳақлидир.

5.3. Томонлар судга мурожаат қилган тақдирда, суд иши даъвогар жойлашган манзилдаги иқтисодий судда кўриб чиқилади.

## 6. ФОРС-МАЖОР

6.1. Ушбу шартномага асосан мажбуриятларни бажарилмаслиги ҳолатлари енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатлар натижасида вужудга келганда томонлар ўз мажбуриятларини бажармасликдан қисман ёки тўлиқ озод бўладилар.

6.2. Енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатларига томонларнинг иродаси ва фаолиятига боғлиқ бўлмаган табиат ҳодисалари (зилзила, кўчки, бўрон, курғоқчилик ва бошқалар) ёки ижтимоий-иқтисодий ҳолатлар (уруш ҳолати, қамал, давлат манфаатларини кўзлаб импорт ва экспортни тақиқлаш ва бошқалар) сабабли юзага келган шароитларда томонларга қабул қилинган мажбуриятларни бажариш имконини бермайдиган фавқулодда, олдини олиб бўлмайдиган ва кутилмаган ҳолатлар қиради.

6.3. Шартнома томонларидан қайси бири учун мажбуриятларни енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатлари сабабли бажармаслик маълум бўлса, дарҳол иккинчи томонга бу ҳақда 10 кун ичида ушбу ҳолатлар ҳаракати сабабини далиллар билан тақдим этиши лозим.

6.4. Шартномага асосан мажбуриятларни ижро қилиш муддати ушбу енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатлар давом этиш муддатига қадар узайтирилади. Агар енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) таъсири 60 кундан ортиқроқ давом қилса, томонлар ташаббусига биноан шартнома бекор қилиниши мумкин.

## 7. БОШҚА ШАРТЛАР

7.1. Ушбу шартномада томонларнинг кўзда тутилмаган ўзаро муносабатлари Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан тартибга солинади.

## 8. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

8.1. Мазкур шартнома ҳудудий газначилик булинмасидан рўйхатга олинган вақтдан кучга қиради ва 2022 йил “31” декабр гача амал қилади.

8.2. Шартноманинг амал қилиши бир томоннинг ташаббусига кўра ой (бир) давомида бошқа томонга ёзма ариза топширган кундан бошлаб, барча ўзаро ҳисоб-китоблар тугаганлиги муддатидан аввал тўхтатилиши мумкин. Томонлар ўз зиммаларига олган барча мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаган ҳолларда шартнома бажарилган ҳисобланади.

8.3. Шартноманинг амал қилиш муддатини тугаши томонларни жавобгарликдан озод қилмайди.

## 9. ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ

### Хизмат курсатувчи

Ташкилот номи: КТИЧСТФ «SIGNAL SERVIS VODIY»  
Манзил: Андижан шаҳар, Шурбулоқ МФЙ И.К.Каримов кўча 3-уй.  
Телефон: + 998 97 993-07-64  
ОКЕД: 96090  
Х/р: 2020 8000 1041 8200 9001  
Банк: «Асака банк» АЖ Андижон филиали  
МФО: 00069 ИНН: 204027939



Рахбар: Мухамедов Б.

### Буюртмачи

Ташкилот номи: **Норин-Корадарё СИБ**  
Манзил: Андижон тумани Куйган-ёр шаҳар БФК 1-уй  
Телефон: 8374 373-11-38  
Факс: 8374 373-12-96  
СТИР коди: 200257710  
ОКЭД: 01613  
Х/Р: 100010860032037042990124001  
Банк: МБ ББ ХККМ Тошкент шаҳар  
МФО: 00014  
ЎзР.Молия Вазирлиги Газначилиги  
Х/Р: 23402000300100001010  
Газна СТИРИ: 201122919



Рахбар (директор):

С. Хакимов

(имзо)

юрисет С.р. Сидоров Б.р.

ТАСДИКЛАЙМАН

КЕЛИШИЛДИ



"SIGNAL SERVICE VODIY" КТИКСТФ

Директори

Б.Мухамедов

2022 й.

Норин-Қора даръё сув иншоотлари бошқармаси

бошлиғи

С.Хакимов

2022 й.



С М Е Т А

ишлашнинг муҳим ва Учқўрғон гидроузелидаги ёнғиндан дарак берувчи мосламаларни ишлашнинг техник синовдан ўтказиш ишлари.

Тартиб рақами	Харажатлар рўйхати	Ўлчов бирлик	сон	Хизмат кўрсатиш нархи (сўм)	Жами (сўм)
1	Ташқи текширув ўтказиш орқали мосламаларни мавжудлигини, механик шикаст етказилмаганлигини, коррозия, тозаллигини, маҳкамлаш қисмларини, бошқарув элементларини, кўрсаткич мосламаларини, улагичларни, муҳрлар ва бошқа мосламаларни ҳолатини текшириш	дона	25	155 000	3 875 000
2	Бошқарув ва қабул қилув мосламаларида муҳрларнинг мавжудлиги, ўчириш ва ёқиш қурилмаларини ишчи ҳолатини назорат қилиш, ёруғлик индекатор кўрсаткичларини созлигини текшириш.	дона	46	112 000	5 152 000
3	Асосий ва захира қувват манбааларини таъминоти мавжудлигини текшириш ва асосий қувват манбаидан захира манбаига автоматик равишда ўтишини синов тарикасида текшириш.	дона	18	120 000	2 160 000
4	Тизимдаги таркибий қисмларни ишчи ҳолатини текшириш (Бошқарув ва қабул қилув мосламалари, детекторлар, ҳабар бериш мосламалари)	дона	36	95 000	95 000
5	Ускуналарни тозалаш, мойлаш, параметрларини сошлаш бўйича профилактик ишларни олиб бориш.	дона	25	72 998,25	1 824 956
5	Тизимни ишчи ҳолатини текшириш.	дона	25	21 200	530 000
6	Сигнал занжирини электр қаршилигини ўлчаш	дона	25	242 000	6 050 000
6	Сигнал занжирининг электр изоляция қаршилигини ўлчаш	дона	25	256 000	6 400 000
	Жами				26 086 956
	Транспорт харажатлари	сўм	5%		1 304 348
	Бажарувчининг жорий харажатлар (Прочие затраты подрядчика)	сўм	10,00%		2 608 696
	Жами	сўм			30 000 000
	ҚҚС - 15%	сўм	15,00%		4 500 000
	Жами	сўм			34 500 000

Жами: Ўттиз тўрт миллион беш юз минг сўм.

Текширди: Бош мутахасис

Касимов Б.

Тузди: Мухандис

Нажмидинов А.

“ТАСДИҚЛАЙМАН”  
НҚСИБ бошлиғи

С.Хакимов  
" 22 " сентябрь 2022 йил

Норин-Корадарё сув иншоотлари бошкармасига қарашли «Куйган-ёр тугони ва Учқургон гидроузелидаги ёнгиндан дарак берувчи мосламаларни ишлашнинг техник синовдан утказиш» ишлари муносабати билан

**ТАНЛАШ БАЁННОМАСИ № 14**

22.09.2022 йил

Андижон тумани

Комиссия раиси А.Дехқонов сўзга чиқиб, муҳандис А.Комилов томонидан Республика товар хом ашё биржасига Норин-Корадарё сув иншоотлари бошкармасига қарашли « Куйган-ёр тугони ва Учқургон гидроузелидаги ёнгиндан дарак берувчи мосламаларни ишлашнинг техник синовдан утказиш » ишлари учун 30.08.2022 йилда ЛОТ№22110012145257-сонли эълон берилганлиги, комиссия раиси эълон бўйича танлов ўтказилиб, бу тўғрисида 20.09.2022 йилда танлаш баённомаси расмийлаштирилиб танловда “**SIGNAL SERVIS VODIY**” КТИЧСТФ **34 500 000** (уттиз турт миллион беш юз минг) сўм таклиф билан танлов ғолиби деб топилди. Баённома расмийлаштирилгандан сунг Республика товар хом-ашё биржаси сайтыга 2 кунга муҳокамада турди, ушбу танлов натижаси бўйича бошқа етказиб берувчи ташкилотлардан эътирозлар келиб тушмаганлиги таъкидлаб ўтди,

Комиссия аъзолари тақдим этилган етказиб берувчиларининг тижорат таклифлари ва бу бўйича расмийлаштирилган танлаш баённомалари эътироз ва таклифларни келиб чиқиб бир овоздан.

**ҚАРОР ҚИЛИНДИ:**

Норин-Корадарё сув иншоотлари бошкармасига қарашли « Куйган-ёр тугони ва Учқургон гидроузелидаги ёнгиндан дарак берувчи мосламаларни ишлашнинг техник синовдан утказиш » ишлари учун “**SIGNAL SERVIS VODIY**” КТИЧСТФ билан шартнома тузилсин.

**Қатнашдилар:**

Комиссия раиси;

Бошлиқ ўринбосари


Комиссия аъзолари:

Бошлиқ ўринбосари:


ҚТБ бошлиғи:

КТУ бошлиғи:


КУК раиси:




А.Дехқонов




Н.Пахритдинов



Д.Жўраев



У.Турдиев



С.Норалиев.



Yuridik shaxs (tadbirkorlik subyektini) davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida  
**GUVOHNOMA**

Ushbu bilan Tadbirkorlik subyektlari yagona davlat reyestriga

**"SIGNAL SERVIS VODIY" Xususiy korxonaga**

(Yuridik shaxsning – tadbirkorlik subyektining tashkiliy-huquqiy shakli ko'rsatilgan holdagi to'liq nomi)

**"SIGNAL SERVIS VODIY" XK**

(Yuridik shaxsning qisqartirilgan nomi)

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatdan o'tkazish ma'lumotlarini o'zgartirish)

06.05.2002

252-Q

ro'yxat raqamli yozuv kiritilganligi tasdiqlanadi.

(Sana, oy (so'z bilan), yil):

Soliq to'lovchining identifikatsiya raqami (STIR):

204027939

Tashkiliy-  
huquqiy  
shakli:

Xususiy korxonaga

Joylashgan  
joyi:

Andijon viloyati, Andijon shahri, Андижанская область, Андижан г., Шурбулок МФЙ, Шурбулок МФЙ, 2-топ И.К.Каримов, 3 Индивидуальный дом,

Guvohnoma:

Andijon viloyati, Andijon shahri, DAVLAT XIZMATLARI  
MARKAZI

tomonidan  
berilgan

(Ro'yxatdan o'tkazuvchi organing to'liq nomi):



Моробул.

Алиев



1 - нусха

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
МИЛЛИЙ ХАВФСИЗЛИК ХИЗМАТИ**

100047, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 9

2014 год «20» марта

№ 35/3420.

**СПРАВКА**

Обращение МППТКФ «**SIGNAL-SERVIS VODIY**» (юридический адрес: г. Андижан, ул. И. Ашурова, дом 43, р/с: 20208000704280700002, Андижанский филиал «Узсаноатқурилиш банк», ИНН: 204027939) о выдаче допуска к выполнению работ по проектированию, монтажу, наладке, ремонту и техническому обслуживанию технических средств охраны на особо важных и категорированных объектах Республики Узбекистан, рассмотрено в Службе национальной безопасности Республики Узбекистан.

МППТКФ «**SIGNAL-SERVIS VODIY**» допускается к производству данного вида деятельности на особо важных и категорированных объектах Республики Узбекистан.

Начальник Управления  
Службы

*[Handwritten signature]*

Сергиенко С.В.

*[Handwritten signature]*  
Б. Чемамбога

*[Handwritten signature]*  
300514



# LITSENZIYA ЛИЦЕНЗИЯ

MVD № 0881

BERILGAN  
ВЫДАНА

«СИГНАЛ СЕРВИС ВОДИЙ»

(Litsenziyaning to'liq nomi, ro'yxat nomini) (nomini, kachimsimonat, shirkat nomi, pochta manzili)

Кўп тармоқли ишлаб чиқариш савдо-тижорат фирмаси

Андижан вилояти, Андижан шаҳри, Э.Ашуров кучаси, 43 уй

QUYIDAGI FAOLIYAT TURLARINI AMALGA OSHIRISH HUQUQI BERILADI:  
НА ПРАВО ОСУЩЕСТВЛЕНИЯ СЛЕДУЮЩИХ ВИДОВ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ:

Ёнгинни автоматик tarzda ўчириш, хабарлаш ва қуриклаш

қурилмаларини лойиҳалаш, жиҳозлаш, соzлаш, таъмирлаш

ва уларга техник хизмат кўрсатиш

Litsenziyaning amal qilish muddati: 2018 йил 22 апрел gacha.  
Срок действия лицензии:

Reestr bo'yicha tartib raqami: № 0845  
Порядковый номер по реестру:

Litsenziyaning berilgan vaqti: 20 13 yil 22 april  
Дата выдачи лицензии:

Komissiya rahbari  
Председатель комиссии

М.М. Мирфайзиев

(Litsenziya, qabul qiluvchi)  
(Фамилия, инициалы)

Litsenziyaning amal qilish muddati 2023 yil 12 mart gacha uzaytirildi.  
Действие лицензии продлено до:

Komissiya rahbari  
Председатель комиссии

Р.М. Эргашев

(Litsenziya, qabul qiluvchi)  
(Фамилия, инициалы)

2018 yil 12 mart

Toshkent sh.